РАНГ-БАРАНГ ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИНИНГ МУАММОЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Э.Х.Эшбоев[1], М.Р.Махсудов[2], А.М.Валиев[3]
[1,2,3]РИДВваКИАТМ, Наманган вилояти РИДВваКИАТМ филиали

DOI: 10.67620/dermajournal.1730034

Ранг-баранг темиратки (Tinea versicolor) – бу терининг замбуруғли касаллиги бўлиб, ҳамма жойда кенг тарқалган, аммо ҳаво ҳарорати ва намлиги юқори бўлган мамлакатларда кўпроқ учрайдиган касалликдир. Бу касаллик билан асосан успирин (14-16 ёш) шахслар ҳасталанади, шунингдек касаллик баъзан ёш болаларда ҳам учраб туради.

Жаҳон адабиёти маълумотларига кўра, касалланиш мўътадил иқлим шароитларида 4-6 %гача, тропик ва субтропик иқлимда 50 %га етади. Ранг-баранг темиратки йилнинг иссиқ даврида касалликнинг кўпайиши билан характерлидир.

Ранг-баранг темираткини ривожланиш хавфи кўп терлайдиган, тернинг кимёвий таркиби ўзгариб турадиган, касаллик қўзғатувчиси учун қулай бўлган тери рНи бўлган, ёндош касалликлар, эндокрин бузилишлар, ошқозон-ичак трактини сурункали касалликлари, ҳамда иммун танқислик бўлган одамларда кўпаяди.

Сўнгги маълумотларга қараганда ҳозирги замон микробиологияси тери ва турли органларнинг, шунингдек ошқозон-ичак тракти шиллиқ қаватида кўпгина экологик ўчоқларда ҳаёт кечирувчи микроорганизмлар йиғиндиси деб қаралади.

Ичак микрофлорасининг ҳолати, шубҳасиз, бошқа биоценозлар билан ҳам боғлиқдир, шу жумладан тери микрофлораси ҳам бундан мустасно эмас.Тери қобиғи очиқ ўзи бошқарувчи тизим ҳисобланиши ва бир қанча микробиоценозлар сифатида берилишини ҳисобга олиб, кўпгина муаллифлар турли хил ичак дисбактериози бўлган беморларда тери микрофлораси ҳолатини ўрганиш билан шуғулландилар ва уларда сон ва сифат жиҳатидан чуқур дисбиотик ўзгаришлар борлигини кузатдилар.

Ўтказилган кўпгина изланишларга қарамай р**анг-баранг темираткини келиб чиқиш сабаблари тўла аниқланмай қолмоқда.** Шу муносабат билан ушбу касалликни патогенетик механизмларини, шу жумладан р**анг-баранг темиратки** билан ҳасталанган беморлар тери микрофлораси, маҳаллий иммун тизими, ичак микробиоценози ҳолатини ва уларнинг бир бири билан боғлиқлигини ўрганиш дерматологиянинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Ушбу соҳада изланишлар давом этмоқда.